



UDC: 624.131

## СЕЙСМИК ТҮЛҚИН ЙЎНАЛИШИНИНГ МУВОЗАНАТ ТЕЗЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Расулов Хаят Заирович,  
техника фанлари доктори,  
профессор;  
e-mail: hayat1941@mail.ru.;  
ORCID: 0000-0003-4739-6615

Бабажанов Мансурбек Бекдурдиевич,  
докторант,  
e-mail: mansur.babajanov@gmail.com;  
ORCID: 0000-0001-6425-8076

Тошкент архитектура қурилиш институти

**Аннотация.** Мақолада муаллифларнинг сейсмик түлқин йўналишини ишиоот заминидаги грунт турғунлигига таъсирини тадқиқотлашига оид назарий изланишларининг натижаси ёритилган. Түлқин йўналиши билан грунтнинг мувозанат тезланиши орасидаги боғлиқлик грунтнинг физик ва механик хоссалари ва намлиқ ҳолати асосида таҳлилланиш натижасида лойиҳачилар фойдаланиши учун қулай бўлган якуний ифода таклиф этилган. Унинг ёрдамида тебранаётган грунт қатлами қаъридаги исталган нуқтада жойлашган зарранинг силжисига қарши мувозанат ҳолатини аниқлаши мумкин. Шу билан бирга таклиф этилган ифода тебранаётган зич ҳолатдаги грунт қатламининг мувозанат ҳолатини умумий шаклда акс эттиради. Ундан грунтнинг мувозанат тезланиши зарралараро ишқаланиш кучидан ташқари грунт зичлигига боғлиқ бўлган боғланиш кучи ва қатламга таъсир этувчи ишиоотдан тушаётган босим таъсирини ҳам кузатиш мумкин. Таклиф этилган ифодага асосан грунтларнинг сейсмик таъсирга нисбатан турғунлиги (мувозанат тезланиши) умумий ҳолатда уларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари кўпайиши билан ортиб, қатлам қалинлашган сари камаяди. Шу билан бирга сейсмик таъсир бурчагининг ортиши ҳам мувозанат тезланиши миқдорининг кўпайишига олиб келади. Мақолада таклиф этилган ифоданинг амалиётда қўлланилиши аниқ мисолда ўз тасдигини топган.

**Калит сўзлар:** грунт, қум, сейсмик түлқин, мувозанат тезланиши, ички ишқаланиш бурчаги, боғланиш кучи, грунт зичлиги, инерция ҳолати, ярим фазо, уринма зўриқиши.

## ВЛИЯНИЕ НАПРАВЛЕНИЯ СЕЙСМИЧЕСКИХ ВОЛН НА КРИТИЧЕСКОЕ УСКОРЕНИЕ ГРУНТА

Расулов Хаят Заирович,  
доктор технических наук,  
профессор;  
Бабажанов Мансурбек Бекдурдиевич,  
докторант

Ташкентский архитектурно-строительный институт



**Аннотация.** В статье излагаются теоретические изыскания авторов по вопросу влияния направлений сейсмических волн на устойчивость грунтов оснований сооружений. В результате исследования взаимодействия направлений волн и критического ускорения грунта с учетом физико-механических свойств и состояния влажности породы предложена формула, удобная для проектировщиков и строителей. С ее помощью можно определить устойчивое состояние частицы грунта против сдвига, находящейся в любой точке грунтового массива. Вместе с тем предложенная формула также позволяет в общем виде оценить условия предельного состояния колеблющейся грунтовой толщи. В соответствии с ней можно проследить зависимость критического ускорения грунта, кроме сил трения между частицами, и от сил сцепления и давления от нагрузки, действующих на грунт. При этом сейсмическая устойчивость толщи в общем случае возрастает с увеличением прочности грунта и уменьшается по мере увеличения грунтовой толщи. В качестве подтверждения этого в работе показан пример решения конкретной задачи.

**Ключевые слова:** грунт, песок, сейсмическая волна, равновесное ускорение, угол внутреннего трения, сила сцепления, плотность грунта, сила инерции, полупространство, касательное напряжение.

## THE IMPACTS OF DIRECTION OF THE SEISMIC WAVE TO CRITICAL ACCELERATION

Rasulov Khayat Zairovich,  
Doctor of Technical Science,  
Professor;

Babajanov Mansurbek Bekdurdievich,  
Doctoral student

Tashkent Institute of Architecture and Civil Construction

**Abstract.** The article presents the theoretical research of the authors, into the impacts of directions of seismic waves on the stability of the soil base structures. The study into the interaction of wave directions and critical acceleration of the soil, at an account of physical and mechanical properties and levels of moisture of the soil, has proposed a formula that is believed to be good for designers and builders. It can be used to determine the stable state of a soil particle against shear located at any point of the soil mass. At the same time, the proposed formula also allows us to generally assess the conditions of the limit state of the fluctuating soil layer. The formula helps to trace the dependence of the critical acceleration of the soil, in addition to the friction forces between the particles, and on the adhesion forces and pressure from the load acting on the soil. In this case, the seismic stability of the thickness, in general, rises with increasing soil strength and falls with increasing soil thickness. To prove this, the paper shows an example of solving a specific problem.

**Keywords:** soil, sand, seismic wave, critical acceleration, force of internal friction, force of cohesion, inertia condition, semi-space, shift stress.

Маълумки, зилзиланинг эпицентр чегарасидан узоқлашгани сари тўлқин йўналиши маълум бурчак остида тарқалган бўлиб, унинг грунт қатламига нисбатан таъсирини тадқиқ қилиш ўзига хос муаммолардан бироридир. Адабиётлар таҳлили мазкур йўна-

лишда олиб борилган изланишларнинг саноқли эканлиги, хисоблаш ва лойиҳалаш амалиётига деярли татбиқ этилмаганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, сейсмик йўналишнинг грунт тузилмасига таъсирини баҳолаш учун ҳозирги вақтда сейсмик ўлчов



маълумотларининг етарли эмаслиги назарда тутилса, ушбу масалага ойдинлик киритиш нақадар долзарб эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади [7, 8].

Шу боис тадқиқотларимизнинг мақсадидан келиб чиқкан ҳолда, изланишимизни ушбу йўналишга оид назарий ва тажриба усулларидан фойдаландик. Мақсадимиз иншоот замини вазифасини ўтовчи грунт қатлами турғунлигига нисбатан сейсмик йўналиш таъсирини тадқиқ қилиш асосида грунт тузилмаси турғунлигига нисбатан хавфли йўналишни аниқлаш ва уни меъёрий хужжатларда қабул қилинган горизонтал йўналишга нисбатан баҳолашдан иборат.

Тадқиқотларни ушбу мақсадда назарий ёндашув асосида бошлаб, турли йўналишда тебранувчи ускуна яратиш ва унда турли грунтлар устида тажрибалар ўтказишни реjalаштиридик ҳамда уни амалга оширдик. Кўйида ушбу йўналишда бажарилган изланишларимиз ёритилади.

Тебранма ҳаракат йўналиши мувозанат тезланишига ( $a_m$ ) таъсирининг назарий ечи-мига қўйидагилар асос қилиб олинди. Фараз қиласиз,  $H$  қалинликдаги грунт қатлами бўйлаб бир текисда тебранади. Бундай ҳолатда қатлам қаъридаги ҳар бир зарранинг мувозанат ҳолати икки куч таъсирида бўлади: зарра турғунлигини сақловчи ( $\tau_k$ ) ва уни силжишга олиб келувчи ( $\tau_c$ ). Тебраниш жараёнда зарра турғунлигини таъминловчи куч грунтлар механикаси қонуни бўйича иншоот ва грунтнинг соф оғирлигидан таъсир этувчи босимнинг тик йўналиш бўйича ташкил этувчиси ( $\sigma_d$ ), грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги ( $\varphi_n$ ) ва қумли грунтнинг зичлигига ( $n$ ) алоқадор бўлган зарралараро боғла-ниш кучларининг ( $c_n$ ) микдорига боғлиқ.

Грунт қатлами  $H$  қаъридаги ҳар бир зарра таъсир этувчи ташки кучга нисбатан қуидагида қаршилик кўрсатади:

$$\tau_k = \sigma_d \operatorname{tg} \varphi_n + c_n \quad (1)$$

(1) ифодадаги индекслар кўрсаткичлар боғлиқ бўлган омилларни ифодалайди, яъни  $k$  – силжишга нисбатан қаршилик;  $d$  – ин-

шоот ва грунтнинг соф оғирлигидан таъсир этувчи инерция ҳолатидаги босим;  $n$  – грунт зичлиги (ғоваклиги).

Грунт қатламига таъсир этувчи ташки куч сифатида зарраларни мувозанат ҳолатидан силжишга мажбур этувчи сейсмик босим олинади. Ушбу босим сейсмик тўлқинлар тарқалиши жараёнда юзага келувчи уринма зўриқиши  $\tau_c$  сифатида намоён бўлади. Мазкур жараёнда грунт қаъридан ҳар бир зарранинг юқори мувозанат ҳолати  $a_m$  (мувозанат тезланиши) қўйидаги тенглик орқали таъминланади:

$$\tau_k = \tau_c \quad (2)$$

(2) бўйича мувозанат тезланиши  $a_m$  тебранаётган грунтнинг мувозанат ҳолатининг энг юқори чегараси ҳисобланади. Унга кўра, тебраниш тезланишнинг  $0 - a_m$  оралиғида грунт ўз мувозанат ҳолатини сақлаб, эластик жисм сифатида қаралади. Ушбу ҳолатда грунт ўз тузилмасини сақлайди ( $\varphi_n, c_n = \text{const}$ ) ва унинг силжишга қаршилиги ( $\tau_c$ ) қатламда иншоот-замин тебранишидан юзага келувчи инерция ҳолатидаги босим таъсирида аниқланади ( $\sigma \neq \text{const}$ ).

Сейсмик уринма зўриқиши ( $\tau_c$ ) ва унинг грунт қатлами бўйлаб тарқалиши сейсмик тўлқинларнинг бир жинсли ва сержинсли қатламлар бўйлаб тарқалишига оид динамик масалаларни ечиш орқали ҳал этилади. Мазкур масалаларнинг мураккаблик даражаси иншоот барпо этилувчи тегранинг сейсмик фаоллиги, унинг геологик ва тектоник шароитларига боғлиқдир.

Сейсмик тўлқинларнинг турли сержинслари тарқалишининг ярим фазо бўйлаб тарқалишига оид масалалар ечими ҳақида кўплаб изланишлар олиб борилган (Бреховских Л.М., 1957; Петрашень Г.И., 1978; Саваренский Е.Ф., 1972 ва б.).

Бир ва сержинсли ярим фазо сиртида ётuvchi манбадан тарқалувчи тўлқинларга оид масалалар Никифоровский В.С., Огурцов К.И., Петрашень Г.И., Саваренский Ф., Шемякин Е.И. Абрамов Т.Т., [10] Тўйчиева М.А. [11]ларнинг изланишларида баён этилган.



Шуни айтиб ўтиш лозимки, грунт қатламининг сейсмик зўриқиши ҳолатига оид масалалар ечимининг мураккаблик даражаси нафақат унинг муҳандис-геологик ва гидро-геологик шароитлари, балки зилзиланинг характеристири ва вакт бўйлаб ўзгариши ҳақидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги билан ҳам ортиб боради. Одатда, ушбу маълумотлар зилзила содир бўлгандан сўнг маълум бўлади. Шу билан бирга, зилзиланинг кучи (сейсмик коэффициент) қурилиш олиб борилувчи тегра учун тузилган сейсмик микрорайонлаштириш харитаси, баъзан эса кутилаётган зилзиланинг спектр таркибига қараб тахминан маълум бўлиши мумкин.

Сейсмотектоник маълумотлар асосида бўлгуси зилзиланинг ўчоги (гипоцентр) аниқланиб, унинг ёрдамида, агар мазкур қатlam бўйлаб гармоник тўлқин тарқалишига оид ечим мавжуд бўлганда, майдон сиртига нисбатан сейсмик тўлқинлар тарқалиш бурчаги ва қатlam бўйлаб силжиш, деформация ва зўриқишилар аниқланиши мумкин.

Хозирги вақтда бир жинсли грунт қатлами бўйлаб тарқалувчи текис тўлқин билан

майдон сирти орасидаги таъсирга оид масаланинг ечимлари маълум. Улар ёрдамида заминида қалин қатламли грунтлар жойлашган енгил иншоотларнинг сейсмик зўриқиши ҳолатини ҳисоблаш ишларини бажариш мумкин. Ушбу ечимларнинг аниқлик даражаси майдон юзасини зилзила ўчогидан ва тўлқин кўрсаткичлари бўйича фарқланувчи бошқа грунт қатламларидан маълум даражада узоқ бўлиши ҳолатларига боғлиқ.

Грунтнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларига сейсмик тўлқин йўналишининг таъсирига оид изланишлар сўнгги йилларда Ставницер Л.Р. [14], Ishinara K. [15], Расулов Х.З. [16] ва б. лар томонидан олиб борилган.

Масалан, текис тўлқиннинг ярим фазо чегараси билан туташуви ҳақидаги масала сейсмик силжишнинг скаляр  $\xi$  ва вектор  $\psi$  потенциаллари ёрдамида Х.З. Расулов томонидан ҳал этилган бўлиб, тўлқинлар тарқалиши жараёнида грунтга таъсир этувчи уринма зўриқиши ( $\tau_c$ ) умумий ҳолда қуйидаги кўринишда ифодаланган [4]:

$$\tau_c = 4\gamma \frac{v_k^2}{v_0^2} c_k \xi e^{-i\omega \frac{x}{v_b}} \left[ \cos \frac{\omega H}{v_0} - e^{-i\omega \frac{H}{v_k}} \right] + 2i\gamma v_k c_v \sin \frac{\omega H}{v_v} e^{-i\omega \frac{x}{v_k} \delta} \quad (3)$$

Ушбу ифодада:

$v_k$  – кўндаланг тўлқин тарқалиш тезлиги;

$v_0$  – бўйлама тўлқин тарқалиш тезлиги;

$c_k$  – кўндаланг тўлқиннинг (xoz) текислигига нисбатан проекцияси;

$c_v$  – шу тўлқиннинг xoz га перпендикуляр бўлган текислика проекцияси;

$\omega$  – айланма частота;

$\xi$  – сейсмик тўлқиннинг грунт сирти томон йўналиши;

$H$  – қатlam қалинлиги;

$\gamma$  – грунтнинг зичлиги.

$$\tau_c = 2\gamma \frac{v_k^2}{v_0^2} \frac{\alpha_c}{\omega} \xi \left[ \cos \frac{\omega H}{v_0} - \cos \frac{\omega H}{v_k} \right] + \gamma \frac{v_k \alpha_c}{\omega} \sin \frac{\omega}{v_k} \quad (5)$$

бунда  $\alpha_c$  – тебраниш жараёнида грунт ҳаракатининг тезланиши.

Ушбу ифода асосида қуйидаги амалларни бажариш мумкин.

Агар қуйидаги боғлиқликлар назарда тутилса,

$$e^{ix} = \cos x - i \sin x$$

$$e^{-i\omega \frac{x\xi}{v_b}} = 1, e^{-i\omega \frac{H}{v_k}} = \cos \frac{\omega H}{v_k}, e^{-i\omega \frac{x\delta}{v_k}} = 1. \quad (4)$$

грунтга таъсир этувчи сейсмик уринма зўриқиши қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

Грунт қатламининг сирти томон сейсмик тўлқиннинг йўналиши ( $\xi$ )ни  $\beta$  бурчак остида деб қаралса:



$$\zeta = \operatorname{tg}\beta, \quad (6)$$

Тўлқинларнинг грунт сиртидан қайтиши зарралар тебранишининг 3-4 марта ортиши (интерференция эффекти)га олиб келишини А.З. Кац куйидагича ифодалаган [4]:

$$\frac{H}{\lambda} = \frac{(2n-1)}{4}, n = 1, 2, 3, \dots \quad (7)$$

бунда  $H$  – қатлам қалинлиги.

С.В. Медведевнинг таъкидлашига кўра, тебраниш даври ( $T$ ) грунт шароитига боғлик бўлиб, бир жинсли қатламлар учун қуйидаги тенглик юзага келади [5]:

$$T = \frac{4H}{v_k} \quad (8)$$

Маълумки, бўш грунт қатлами бўйлаб тарқалувчи бўйлама ва кўндаланг тўлқинлар орасидаги фарқ катта миқдорни ташкил этмайди (Масалан, ҚМҚ 2.01.03-96, жадвал 1.1 бўйича майда ва чангсимон қумларда ушбу фарқ 0.25% дан ошмайди) [6].

(6) – (8) ва юқоридаги мулоҳазалар асосида (5) ифодани қуйидаги кўринишда ёзishimiz мумкин:

$$\tau_c = \gamma \frac{\alpha_c}{\pi g} 2H + \gamma \frac{\alpha_c}{2\pi g} H \operatorname{tg}\beta \quad (9)$$

ёки

$$\tau_c = \frac{\alpha_c}{\pi g} \left( 2H\gamma + \frac{\gamma H}{2} \operatorname{tg}\beta \right) \quad (10)$$

(9) ва (10) ифодалар асосида тебранаётган грунт қатлами қаъридаги исталган нуқтада жойлашган зарранинг силжишга қарши мувозанат ҳолати (2), асосан, қуйидаги тенглик асосида юзага келади:

$$\sigma_d \operatorname{tg}\varphi_n + c_n = \frac{\alpha_c}{\pi g} \left( 2H\gamma + \frac{\gamma H}{2} \operatorname{tg}\beta \right) \quad (11)$$

Ушбу ифодада  $a_c$  тебранаётган грунт мувозанат ҳолатининг юқори чегараси, яъни мувозанат тезланишини ифодалайди:

$$\alpha_m = \frac{\pi g(\sigma_d \operatorname{tg}\varphi_n + c_n)}{2H\gamma + \frac{\gamma H}{2} \operatorname{tg}\beta} \quad (12)$$

ёки

$$\alpha_m = \frac{2\pi g(\sigma_d \operatorname{tg}\varphi_n + c_n)}{\gamma H(4 + \operatorname{tg}\beta)}, \quad (13)$$

(12) ва (13) ифодалар тебранаётган зич ҳолатдаги қумли грунт қатламининг мувозанат ҳолатини умумий шаклда акс эттиради. Ундан грунтнинг мувозанат тезланиши зарраларо ишқаланиш кучи ( $\varphi$ )дан ташқари грунт зичлигига боғлик бўлган боғланиш кучи ( $c_n$ ) ва қатламга таъсир этувчи иншоотдан тушаётган босим ( $\sigma_d$ ) таъсирини ҳам кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, табиатда қумлар ғовак ва ўртача зичлик ҳолатида (аллювий, эол ва б.) бўлиши амалда кўплаб кузатилади. Мазкур қумларда  $c_n$  бўлмаслиги ёки унинг миқдори жуда кам бўлиши назарда тутилса (13), ифодани қуйидаги кўринишида тасвираш мумкин:

$$\alpha_m = \frac{2\pi g \sigma_d \operatorname{tg}\varphi_n}{\gamma H(4 + \operatorname{tg}\beta)} \quad (14)$$

ёки  $\sigma_d = \gamma w z + p_d$  (бунда  $\gamma w z$  – кузатилаётган сатҳдан юқорида жойлашган грунтнинг соғ оғирлиги;  $p_d$  — иншоотдан узатилувчи инерция таъсирини назарда тутувчи босим) ҳисобга олинса ва  $p_d = 0$  ҳолат учун:

$$\alpha_m = \frac{2\pi g \gamma_w z \operatorname{tg}\varphi_n}{\gamma H(4 + \operatorname{tg}\beta)} \quad (15)$$

(12-15) ифодалардан қумли грунтларнинг сейсмик таъсирга турғунлиги (мувозанат тезланиши  $a_m$ ) умумий ҳолатда уларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари ( $\varphi, c$ ) кўпайиши билан ортиб, қатлам қалинлашган сари камайишини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, сейсмик таъсир бурчагининг ортиши ҳам  $a_m$  миқдори кўпайишига олиб келади.

Ушбу ифодалар грунт қатламининг ҳар қандай бурчак таъсирида тебраниши жараёнида унинг турғунлик шарти – мувозанат тезланишини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, улар (12) ифоданинг сейсмик таъсир бурчагини назарда тутувчи умумий кўринишидир.

(15) ифоданинг амалиётда қўлланилишини аниқ мисол ёрдамида қараб чиқамиз. Масаланинг шарти:  $\beta = 30^\circ$  остидаги тўлқин йўналиши таъсирида ишқаланиш бурчаги  $\operatorname{tg} \varphi = 0.6$  бўлган  $\gamma = 16,0 \text{ t/m}^3$  зичликка эга бўлган 10 м қалинликдаги қум қатламининг мувозанат тезланиши аниқлансин.



$$\text{Ечим: } \alpha_m = \frac{2\pi g \gamma_w z t g \varphi_n}{\gamma H (4 + t g \beta)} = \frac{2.3, 14.9, 81.16.10.0,6}{16.10 (16+ 0,27)} = 2272 \text{ мм/с}^2$$

Куйидаги жадвалда Хоразм вилоятидағи баъзи майдонлардаги қумлар учун мувозанат тезланишининг микдорлари келтирилган.

### Жадвал

#### Хоразм вилояти теграсидаги қумларга оид мувозанат тезланишлари

| № | Гурух | Грунт                         | Катлам чукурлиги, м | Грунт зичлиги, тс/м <sup>3</sup> | Ички ишқаланиш бурчаги, град | Мувозанат тезланиши, а <sub>m</sub> mm/c <sup>2</sup> |     |      |      |      |
|---|-------|-------------------------------|---------------------|----------------------------------|------------------------------|---|-----|------|------|------|
|   |       |                               |                     |                                  |                              | Бурчак остида таъсири, градус                         |     |      |      |      |
|   |       |                               |                     |                                  |                              | Горизонтал таъсири                                    | 15  | 30   | 45   | 60   |
| 1 | I     | Лойли қум                     | 5                   | 1,21                             | 30                           | 738   | 791 | 863  | 734  | 756  |
| 2 | II    | Эол туркумидаги чангсимон қум | -/-                 | 1,40                             | 28                           | 583   | 625 | 682  | 800  | 825  |
| 3 | III   | Неоген туркумидаги майда қум  | -/-                 | 1,35                             | 31                           | 684   | 815 | 778  | 912  | 940  |
| 4 | IV    | Аллювий туркумидаги майда қум | -/-                 | 1,31                             | 31                           | 924   | 742 | 1026 | 1205 | 1242 |

Ундан тебраниш жараёнида грунт тузилмасининг бузилиши таъсири йўналишига боғлиқ эканлигини қузатиш мумкин. Ушбу ҳолат барча йўналишларга тааллуқли бўлиб, айниқса 15–30° бурчаклар орасидаги тебраниш грунт тузилмасининг бузилишига катта таъсири қузатилади. Демак, ушбу бурчак остидаги тебранишлар таъсирида грунт

тузилмаси нисбатан тез ва жадаллик билан бузилиш ҳолати юзага келар экан. Ушбу ҳолат Л.Р. Ставницер томонидан тебранувчи стабилометр асбобида ўтказилган тажрибаларда ҳам қузатилган эди. Унда қумли грунт тузилмасининг бузилишига 30°–40° бурчаклар оралиғидаги тебранишлар катта таъсири кўрсатиши таъкидланган.

### REFERENCES

1. Yuriy Nikolayev. Okolo 2 mln chiliysev ostalis bez krova, povrejdeno 1,5 mln.domov. RUA Novosti (28.02.2010). [About 2 million Chilians were left homeless and 1,5 million homes were damaged]. RIA NOVOSTI (28.02.2010).
2. Grigoryan A.A. O bezopasnosti stroitelstva na glinstix gruntax po I-mu predelnomu sostoyaniyu. [Construction safety, the clay soils of the 1st limit state]. J. Foundations, foundations and soil mechanics, Moscow, 2006, no. 5, pp. 24-27.
3. Osipov V.I. Dinamicheskiye razijjeniye vodonasishennix gruntov: priroda I faktori ego opredelyayushchiye. [Dynamic liquefaction of saturated soils: nature and factors of its definition]. Moscow, Moscow state University, 1988, no. 2, pp. 3-32.
4. Zehniev F.F., Axmedov D.D. Geotexnicheskiye problemi stroitelstva v slojnix injenerno-geologicheskix usloviyax Tadzhikistana i puti ix resheniya. // Trudi III-go Sentralno-Aziatskogo Mejdunarodnogo geotexnicheskogo simpoziuma. [Geotechnical problems of construction in difficult geotechnical conditions of Tajikistan and their solutions]. Proceedings of the III Central Asian International Geotechnical Symposium, Dushanbe, 2005, pp. 174-179.
5. Rsulov X.Z., Artikbayev D.J. Seysmoustoychivaya krutizna otkosnix soorujeniy. [Earthquake-resistant steepness of slope structures]. Tashkent, Publishing house “Fan” ANRUz., 2020, 143 p.



6. Ilichev V.A., Musaelyan A.A. I dr. Sposob vozvedeniya osnovaniya v seysmicheskix rayonax. Spravochnik proektirovshika. [Method of foundation construction in seismic areas. Handbook of the designer]. Moscow, Stroyizdat, 1985, 298 p.
7. Rashidov T.R. Perspektiviy razvitiya problem seysmodinamiki podzemnyx soorujeniy. Materialiy Respublikanskoy nauchno-prakticheskoy konferensii. [Prospects for the development of problems of seismodynamics of underground structures]. Materials of the Republican Scientific and Practical conference, Tashkent, TASI, 16-17 April 2018, p. 20-27.
8. Kapylova G.N. Seysmogidrogeologicheskiye effekty silneyshix zemletryaseniy. [Seismohydrogeological effects of the strongest earthquakes]. Available at: <https://kcs.dvo.ru>.
9. Petrashen G.I. Rasprostranenie seysmicheskix volnovix poley v sloistix sredax. Chast I II. Zapiski nauchnyx seminarov POMI. [Propagation of seismic wave fields in layered media]. Part I II, Notes of scientific seminars of the PMI, 273-274, St. Petersburg: Department of Mathematics of the Institute, Steklova RAS, 2001, p. 297-300.
10. Abramova T.T., Абрамова Т.Т., Voznesensky E.A. Sovremennye metody upravleniya svoystvami gruntov na uchastke vysokix dinamicheskix nagruzok. [Modern methods of controlling the properties of soils on the site of high dynamic loads]. J. Geotechnika, 2015, no. 4. pp. 6-25.
11. Tuichieva M.A., Juraev A. Problemy seysmostoykogo stroitelstva dlya individualnyx zastrojshikov na territorii Uzbekistana. Trudy i tezisy Respublikanskoy nauchno-prakticheskoy Konferensii. [Problems of earthquake-resistant construction for individual developers on the territory of Uzbekistan]. Proceedings and theses of the Republican Scientific and Practical Conference, Tashkent, Institute of Seismology ANRUz, 2015, pp. 39-41.
12. Kapylova G.N. Seysmogidrogeologicheskie effekty silneyshix zemletryaseniy. [Seismohydrogeological effects of the strongest earthquakes]. Available at: <https://kcs.dvo.ru>.
13. Rasulov R.Kh. Dept location of the foundations in seismic areas. J. European Science Review, March-April, 2016, pp. 293-294.
14. Stavnicer L.R. Sejsmostojkost' osnovanij i fundamentov [Earthquake resistance of bases and foundations]. Moscow, Publishing house of the Association of building universities, 2010, 448 p.
15. Ishihara K. Povedenie gruntov pri zemletrjasenijah [Behavior of soils during earthquakes. (Translated from English under license from the publishing house «Oxford University Press» under the editorship of prof. Fadeev AB)]. St. Petersburg, 2006, 383 p.
16. Rasulov H.Z. Sejsmoprocchnost' i sejsmoprosadka lessovyh gruntov [Seismic strength and seismic subsidence of loess soils]. Tashkent, Publishing house «Fan» of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2020, 335 p.
17. Kac A.Z. O sejsmicheskikh osnovah metodiki sejsmicheskogo mikrorajonirovaniya [On the seismic foundations of the seismic microzoning technique]. Bull. Seismic Council., 1960, no. 8.
18. Medvedev S.V. Inzhenernaja sejsmologija [Engineering seismology]. Moscow, Stroyizdat, 1962, 284 p.
19. KMK 2.01.03-96. Stroitel'stvo v sejsmicheskikh rajonah. Normy proektirovaniya [Construction in seismic regions. Design standards]. Tashkent, 1996, 51 p.
20. KMK 2.02.01-98. Osnovaniya i fundamenty. Osnovy proektirovaniya. [Foundations of buildings and structures. Design standards]. Tashkent, 1998, 40 p.